

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ СТАНДАРТИ**

---

**Ахборот технологияси**  
**АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ**  
**Яратиш босқичлари**

Расмий нашр

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш  
агентлиги

Тошкент

## Сўз боши

1 Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг «UNICON.UZ» - Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази Давлат унитар корхонаси («UNICON.UZ» ДУК) томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

2 Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги стандартлаштириш бўйича 7-сон техник қўмита томонидан КИРИТИЛГАН

3 Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги («Ўзстандарт» агентлиги)нинг 2018 йил 8 июндаги № 05-963-сон қарори билан ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН

## 4 O‘z DSt 1986:2010 ЎРНИГА

*Ўзбекистон ҳудудида ушбу стандарт ва унга киритилган ўзгартиришларнинг амалга киритилиши (амал қилинишининг тўхтатилиши) тўғрисидаги ахборот «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр этиладиган кўрсаткичда эълон қилинади. Ушбу стандарт қайта кўриб чиқилган ва бекор қилинганда, тегишли ахборот «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр этиладиган ахборот кўрсаткичида эълон қилинади*

«Ўзстандарт» агентлиги ушбу стандартни Ўзбекистон ҳудудида расмий эълон қилиш мутлақ ҳуқуқига эга

## Мундарижа

1 Қўллаш соҳаси.....	1
2 Норматив ҳаволалар.....	1
3 Атамалар ва таърифлар.....	2
4 Умумий қоидалар .....	2
5 Ахборот тизимини яратиш босқичлари ва этаплари .....	3
5.1 Ахборот тизимини яратиш босқичлари ва этапларининг рўйхати ....	3
5.2 Ахборот тизимини яратиш давомида бажариладиган ишларнинг таркиби ва мазмуни.....	4
5.2.1 «Ахборотлаштириш объектини тадқиқ қилиш» босқичи.....	4
5.2.2 «АТни яратиш концепцияси».....	5
5.2.3 «Техник топшириқ» босқичи.....	6
5.2.4 «Техник-иқтисодий ҳисоб-китоб» босқичи .....	6
5.2.5 «Эскиз лойиҳа» босқичи .....	6
5.2.6 «Техник лойиҳа» босқичи .....	7
5.2.7 «Ишчи лойиҳа» босқичи .....	8
5.2.8 «АТни ишга тушириш» босқичи .....	9
5.2.9 «АТни кузатиш» .....	10
Библиография .....	12



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

---

## Ахборот технологияси АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ Яратиш босқичлари

## Информационная технология ИНФОРМАЦИОННЫЕ СИСТЕМЫ Стадии создания

Information technology. Information systems.  
Stages of development

---

Кириштиш санаси 2018-14-06

### 1 Қўллаш соҳаси

Ушбу стандарт ахборот тизимларини яратиш босқичлари ва этапларини белгилайди.

Ушбу стандарт билан белгиланадиган талаблар барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ахборот тизимларини яратишда қўллаш учун мажбурий.

### 2 Норматив ҳаволалар

Ушбу стандартда қуйидаги стандартларга ҳаволалардан фойдаланилган:

O'z DSt 1047:2018 Ахборот технологияси. Атама ва таърифлар

O'z DSt 1985:201\_ Ахборот технологияси. Ахборот тизимларини яратишда ҳужжатларнинг турлари, комплектлиги ва белгиланиши

O'z DSt 1987:201\_ Ахборот технологияси. Ахборот тизимини яратиш учун техник топшириқ

O'z DSt ISO/IEC 12207:2018 Ахборот технологияси. Дастурий таъминот ҳаётий циклининг жараёнлари

Изох – Ушбу стандартдан фойдаланилган ҳавола қилинган стандартларнинг амал қилиниши жорий йилнинг 1 январгача бўлган ҳолати бўйича тузилган стандартларнинг кўрсаткичи ва жорий йилда эълон қилинган тегишли ахборот кўрсаткичлари бўйича текшириш зарур. Агар ҳавола қилинган ҳужжат алмаштирилган (ўзгартирилган) бўлса, у ҳолда ушбу стандартдан фойдаланилганда алмаштирилган (ўзгартирилган) стандартга амал қилиш лозим. Агар ҳавола қилинган ҳужжат алмаштирилмасдан бекор қилинган бўлса, у ҳолда унга ҳавола қилинган қоида, ушбу ҳаволага тааллуқли бўлмаган қисмида қўлланилади.

### **3 Атамалар ва таърифлар**

Ушбу стандартда О‘з DSt 1047, О‘з DSt 1985, О‘з DSt ISO/IEC 12207 бўйича атамалар қўлланилган.

### **4 Умумий қоидалар**

4.1 Ахборот тизими (АТ)ни яратиш жараёни вақт бўйича тартибга келтирилган, ўзаро боғланган, бажарилиши берилган талабларга мувофиқ бўлган АТни яратиш учун зарур ва етарли бўлган ишларнинг босқичлари ва этапларига бирлаштирилган жамини ўз ичига олади.

4.2 АТни яратиш босқичлари ва этаплари ушбу стандартда белгиланган натижалар билан яқунланади.

4.3 АТни ривожлантириш (модернизациялаш) бўйича ишлар АТни яратиш учун қўлланиладиган босқичлар ва этаплар бўйича амалга оширилади.

4.4 Ушбу стандартда белгиланган босқичлар ва этаплардаги ишларни бажариш таркиби ва қоидалари АТнинг аниқ турлари (бошқарувчи, маълумотларни қайта ишлаш, маълумот учун ва ҳ.)ни яратишда иштирок этадиган ташкилотлар томонидан тегишли ҳужжатларда белгиланади.

4.5 Давлат органларининг АТни яратишда ишлаб чиқиладиган техник ҳужжатлар Низомга [1] мувофиқ алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги ваколатли органга тақдим этилиши керак.

Техник ҳужжатларда қуйидагилар тўғрисидаги ахборот бўлиши керак:

– автоматлаштирилиши ва электрон шаклга ўтказилиши режалаштириладиган, бажариладиган маъмурий процедуралар;

– автоматлаштириладиган фаолият соҳасининг функционал ва операцион жараёнларини қайта ташкил қилинган ва оптималлаштирилган ёки режалаштириладиган;

– уни ўтказиш натижалари бўйича самарадорлик кўрсаткичлари.

Изоҳ – Техник ҳужжатларга: АТ яратиш концепциялари, техник топшириқлари, дастлабки техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар ва техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар кирази.

4.6 Электрон давлат хизматларини кўрсатишга жалб қилинган давлат органларининг АТ Низомга [1] мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан мажбурий ҳисобга олиниши ва рўйхатдан ўтказилиши керак.

4.7 Давлат сирларига ёки махфий ахборотга тегишли бўлган ахборотни қайта ишлаш учун мўлжалланган ахборотни криптографик муҳофаза қилиш воситаларидан фойдаланувчи давлат органларининг АТ ваколатланган органда мажбурий сертификатлаштирилиши керак.

## 5 Ахборот тизимини яратиш босқичлари ва этаплари

### 5.1 Ахборот тизимини яратиш босқичлари ва этапларининг рўйхати

5.1.1 АТни яратиш босқичлари ва этаплари 1-жадвалда берилган.

1-жадвал

Яратиш босқичи	Иш этаплари
Ахборотлаштириш объектини тадқиқ қилиш	АТни ишлаб чиқиш зарурлигини асослаш АТга қўйиладиган дастлабки талабларни шакллантириш
АТни яратиш концепцияси	АТни яратиш концепциясини ишлаб чиқиш
Техник топшириқ	Техник топшириқни ишлаб чиқиш АТ қисми учун техник топшириқни ишлаб чиқиш *
Техник-иқтисодий ҳисоб-китоб <sup>**</sup>	Дастлабки техник-иқтисодий ҳисоб-китобни ишлаб чиқиш * Техник-иқтисодий ҳисоб-китобни ишлаб чиқиш *
Эскиз лойиҳаси <sup>**</sup>	Эскиз лойиҳасини ишлаб чиқиш *
Техник лойиҳа	Техник лойиҳани ишлаб чиқиш Лойиҳанинг ёндош қисмларида лойиҳалаш топшириқларини ишлаб чиқиш * Кузатиш стратегиясини ишлаб чиқиш
Ишчи лойиҳа	АТ ва унинг қисмларини ишлаб чиқиш Дастурий ва эксплуатация қилиш ҳужжатларини ишлаб чиқиш Қурилиш-монтаж ишлари * АТнинг дастлабки синовлари
АТни ишга тушириш	Ахборотлаштириш объектини АТни ишга туширишга тайёрлаш Ходимларни тайёрлаш Ишга тушириш-созлаш ишлари АТ синов эксплуатациясини ўтказиш Қабул қилиш чора-тадбирларини ўтказиш
АТни кузатиш	Кафолат мажбуриятларига мувофиқ ишларни бажариш Кафолат муддатидан кейин хизмат кўрсатиш *
* Ушбу этап уни ўтказиш зарурати бўлмаганда чиқариб ташланиши мумкин. ** Ушбу босқич уни ўтказиш зарурати бўлмаганда чиқариб ташланиши мумкин.	

5.1.2 АТни яратиш бўйича ишлар ташкилотлар - иштирок этувчилар томонидан бажариладиган босқичлар ва этаплар ушбу стандарт асосида шартномалар ва техник топшириқда белгиланади.

5.1.3 Яратилаётган АТ спецификаси ва уни яратиш шартларига боғлиқ ҳолда қуйидагиларга йўл қўйилади:

- 1) ишларнинг бир нечта этапларини битта этапга бирлаштириш;
- 2) олдинги босқичлар ёки этаплар тугашигача ишларнинг айрим босқичларини бажариш;
- 3) ишлар босқичларини параллел вақтда бажариш;
- 4) ишларнинг янги босқичларини киритиш;

«Техник-иқтисодий ҳисоб-китоб» босқичи ёки ушбу босқичдаги ишнинг этапларидан бири қонун ҳужжатлари, буюртмачи ёки шартнома талабларига ёки шартнома шартларига мувофиқ АТни яратиш давомида бажариладиган ишлар таркибидан чиқариб ташланиши мумкин.

5.1.4 «Эскиз лойиҳа», «Техник лойиҳа» босқичларида, «АТ ва унинг қисмларини ишлаб чиқиш» этапида АТни ишлаб чиқишда иштирок этаётган ташкилотлар билан келишув бўйича АТ қисми учун Техник топшириқни ишлаб чиқишга, шунингдек О‘з DSt 1987 га мувофиқ тасдиқланган АТ учун техник топшириққа ўзгартишлар ва қўшимчалар киритишга рухсат берилади.

5.1.5 Танлов (тендер) ўтказилишини талаб қилувчи АТни яратишнинг барча босқичларида тендер ҳужжатларини янада сифатли ва аниқ қиёслаш учун танлов асосида четдан лойиҳа компаниялари жалб қилиниши мумкин. Тендер ҳужжатларини ишлаб чиқишда иштирок этаётган лойиҳа компаниялари келгусида АТни ишлаб чиқиш тендериде иштирок этмаслиги керак.

5.1.6 «Ахборотлаштириш объектини тадқиқ қилиш» босқичидаги ва кейинги босқичлардаги техник ҳужжатларни ишлаб чиқишни кўзда тутадиган ишлар техник ҳужжатларни ишлаб чиқишга ихтисослашган чет ташкилот томонидан амалга оширилиши мумкин.

## **5.2 Ахборот тизимини яратиш давомида бажариладиган ишларнинг таркиби ва мазмуни**

### **5.2.1 «Ахборотлаштириш объектини тадқиқ қилиш» босқичи**

5.2.1.1 «АТ ишлаб чиқиш зарурлигини асослаш» босқичида ишларнинг қуйидаги турлари бажарилиши керак:

- 1) ахборотлаштириш объекти тўғрисида маълумотлар йиғиш;
- 2) АТни яратиш доирасида кўриб чиқилиши керак бўлган фаолият турларини аниқлаш;
- 3) объектнинг ишлаши ва амалга ошириладиган фаолият турларининг сифат ва самарадорлик мезонларини белгилаш;
- 4) маълум мезонлар асосида ахборотлаштириш объекти ва амалга ошириладиган фаолият турларининг жорий сифатини баҳолаш;



5) АТ воситалари ёрдами ҳал қилиш мумкин бўлган муаммоларни аниқлаш;

6) АТни яратишнинг техник-иқтисодий ва ижтимоий мақсадга мувофиқлигини баҳолаш;

7) объектни тадқиқ қилиш тўғрисидаги якуний ҳисоботни тушунтириш хати кўринишида тайёрлаш.

5.2.1.2 «АТга қўйиладиган дастлабки талабларни шакллантириш» этапида қуйидагилар таҳлил қилиниши керак:

1) олдинги этапда олинган маълумотлар;

2) АТни ишлаб чиқиш, ишга тушириш ва эксплуатация қилишга йўл қўйиладиган харажатларни чеклаш;

3) АТдан кутиладиган самарадорлик;

4) АТни яратиш ва ишлаш шароитлари.

Таҳлил натижаларига кўра АТга қўйиладиган дастлабки талаблар шакллантирилиши керак.

### **5.2.2 «АТни яратиш концепцияси»**

«АТни яратиш концепциясини ишлаб чиқиш» босқичида қуйидаги ишлар ўтказилади:

1) Олдинги этапда олинган ахборотлаштириш объекти тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш асосида ахборотлаштириш объектини қўшимча ўрганиш зарурлигини аниқлаш. Зарур бўлган ҳолда ахборотлаштириш объекти қўшимча ўрганилади;

2) АТга қўйиладиган дастлабки талабларни амалга ошириш йўллари кидириш ва имкониятини баҳолаш учун ;

3) АТ концепцияси вариантларини ишлаб чиқиш. Концепция вариантларини ишлаб чиқиш давомида қуйидаги ишлар бажарилиши керак:

- концепциянинг мақсад ва вазифаларини аниқлаш;
- илғор ва жаҳон тажрибасини таҳлил қилиш;
- кўриб чиқиладиган муаммо бўйича янада ривожланиш йўналишлари (йўллари)ни белгилаб олиш;
- АТ ишлашини амалга ошириш ва таъминлаш учун керакли бўлган ресурсларни баҳолаш;
- АТдан олинадиган самарани баҳолаш;
- рискларни баҳолаш, шу жумладан риск манбаларини аниқлаш ва гуруҳлаш, ҳар бир рискнинг лойиҳага таъсир кўрсатиш эҳтимоли, табиати, соҳасини баҳолаш, рискнинг пайдо бўлиш вақтини, давомийлигини ва амал қилиш даврилигини белгилаш, рискларни камайтириш чораларини белгилаш ва рискли вазият юзага келганда хатти-ҳаракатларни режалаштириш;
- концепцияни амалга ошириш чора-тадбирларини белгилаш;
- АТни қабул қилиш сифати ва шартларини баҳолаш тартибини белгилаш;

4) Дастлабки талабларга жавоб берадиган, ишлаб чиқиладиган АТ концепциясининг вариантыни танлаш ва келишиш:

- ҳар вариантнинг афзал томонлари ва камчиликларини аниқлаш;
- дастлабки талаблар ва тақлиф қилинадиган АТ характеристикаларини таққослаш ҳамда мақбул вариантни танлаш.

### **5.2.3 «Техник топшириқ» босқичи**

5.2.3.1 «Техник топшириқни ишлаб чиқиш» этапида АТ учун техник топшириқ ишлаб чиқилади, расмийлаштирилади, келишилади ва тасдиқланади.

5.2.3.2 «Хусусий техник топшириқни ишлаб чиқиш» этапида АТ қисми учун техник топшириқлар ишлаб чиқилади, расмийлаштирилади, келишилади ва тасдиқланади.

5.2.3.3 Техник топшириқни ҳамда тизимининг бир қисми учун техник топшириқни расмийлаштириш ва мазмуни О‘з DSt 1987 талабларига жавоб бериши керак.

### **5.2.4 «Техник-иқтисодий ҳисоб-китоб» босқичи**

5.2.4.1 «Дастлабки техник-иқтисодий ҳисоб-китобни ишлаб чиқиш» босқичида Низом [2]нинг 3-иловасига мувофиқ дастлабки техник-иқтисодий ҳисоб-китоб ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Ушбу босқичда қўшимча равишда қуйидаги мезонлар бўйича амалга ошириш имконияти баҳоланади:

1) иқтисодий мезон, баҳолаш, муддатлари, талабни баҳолашни ўз ичига оладиган ва АТни яратишга сарфланадиган харажатларни ва АТдан фойдаланишдан кўриладиган иқтисодий самарани таққослашга асосланган;

2) технологик, ўз ичига ресурслар, технология ва воситаларни оладиган;

3) юридик, қонун ҳужжатларига ва мажбуриятларга мувофиқликни аниқлаш мақсадини тавсифловчи.

5.2.4.2 «Техник-иқтисодий ҳисоб-китобни ишлаб чиқиш» Низом [2]нинг 5-иловасига мувофиқ техник-иқтисодий ҳисоб-китоб ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

### **5.2.5 «Эскиз лойиҳа» босқичи**

5.2.5.1 «Эскиз лойиҳани ишлаб чиқиш» этапида АТ ва унинг қисмлари бўйича дастлабки лойиҳа ечимлари шакллантирилади.

5.2.5.2 Эскиз лойиҳани ишлаб чиқишда АТга қўйиладиган талабларни таъминлаш учун зарур бўлган ва принципиал қарорларни ўрнатиш имконини берадиган ишлар бажарилади. Зарур ишлар рўйхати АТ характери ва вазифасига боғлиқ ҳолда ишлаб чиқувчи томонидан белгиланади ва буюртмачи билан келишилади.

5.2.5.3 Иш натижалари тушунтириш хати кўринишида расмийлаштирилади, бу хатда ахборотлаштириш объектини АТни жорий қилишга тайёрлашга доир чора-тадбирлар ва асосий техник қарорлар белгиланади, шу жумладан:

- АТ ва маълумотлар базаси структурасига доир қарорлар;
- АТнинг чет тизимлар билан ўзаро ишлашнинг таъминлашга доир қарорлар;
- АТ ишлаш режимларига доир қарорлар;
- Техник топшириқда белгиланган АТ сифатини белгиловчи АТ характеристикаларини таъминлаш тўғрисида маълумотлар;
- АТ функциялари рўйхати ёки таркиби;
- техник воситалар комплексларининг таркиби ва жойлаштирилиши.

## **5.2.6 «Техник лойиҳа» босқичи**

5.2.6.1 «Техник лойиҳани ишлаб чиқиш» этапида қуйидагиларни тавсифловчи техник лойиҳа ишлаб чиқилади ва тасдиқланади:

- 1) кириш ва чиқиш маълумотларининг структураси;
- 2) чиқиш маълумотларини тақдим этиш шакли;
- 3) АТ функционал структураси, шу жумладан:

– АТ функционал структураси (АТ қўйи тизими)нинг элементлари; автоматлаштирилган функциялар ва (ёки) вазифалар (вазифалар комплекслари); автоматлаштирилган функциялар амалга оширилганда фақат техник воситалар (автоматик) равишда ёки фақат одам томонидан бажариладиган хатти-ҳаракатлар (операциялар)нинг жами;

– Алоқалар бўйича узатиладиган хабарлар ва (ёки) сигналларнинг мазмунини қисқача кўрсатган ҳолда элементлар ўртасидаги ва ташқи муҳит билан ахборот алоқалари ва зарур бўлганда бошқа турдаги алоқалар (киришлар, бўйсунувлар ва ш.к.);

– функционал структура қисмларининг батафсил схемалари (зарур бўлганда);

- 4) маълумотлар базасининг структураси;
- 5) асосий техник қарорлар, шу жумладан:

– тизим ва унинг қўйи тизимларининг техник структураси;

– тизимнинг компонентлари ва четдаги тизимлар билан ахборот алмашиш учун алоқа воситалари ва усулларига қўйиладиган талаблар;

– тизимнинг мантиқий ва компонентли архитектураси;

- б) керакли техник ва четдаги дастурий воситалар конфигурацияси;

Изоҳ – Техник ва четдаги дастурий воситалар конфигурациясини тавсифлаш мавжуд воситаларни қўллаш зарурлигини ёки уларни сотиб олиш чоралари кераклигини аниқлаш имконини беради. Дастурий воситаларнинг мослашувини таъминлаш мақсадида аниқ версияларни кўрсатиш мумкин.

7) АТни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш чора-тадбирлари режаси. АТни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш чора-тадбирлари режасида АТ оралиқ версияларини тақдим этиш (итерация) даврлари белгиланади. Итерациянинг давомийлиги уч ҳафтадан кўп бўлмаслиги керак. Вақт ва иқтисодий харажатларни максимал тежаш учун буюртмачи ва ишлаб чиқувчи ишлаб чиқиладиган компонентлар ва амалга ошириладиган фойдаланиш сценарийларига боғлиқ ҳолда итерацияларни мантикий кетма-кетликда жойлаштириш йўли билан АТни яратиш мақсадига эришиш учун зарур бўлган итерациялар миқдорини биргаликда белгилайдилар.

Ушбу этапда, зарур бўлганда, маълумотларни қайта ишлаш технология жараёни операцияларини ёки операциялар комплексини тавсифлайдиган технологик йўриқномаларни ишлаб чиқиш ишлари ўтказилиши мумкин. Технологик йўриқномада ҳужжат ишлаб чиқилишига сабаб бўлган технологик операциянинг номи кўрсатилади ва маълумотларни қайта ишлаш технологик жараёнининг операцияси (лари)ни бажариш тартиби ва қоидалари тўғрисида маълумотлар берилади. Технологик йўриқномада ушбу йўриқнома тегишли бўлган ходимлар лавозимларининг рўйхати берилади.

5.2.6.2 «Лойиҳанинг ёндош қисмларида лойиҳалаш топшириқларини ишлаб чиқиш» этапида АТни яратиш билан боғлиқ бўлган қурилиш, электротехник, санитария-техник ва бошқа тайёргарлик ишларини ўтказиш учун АТ лойиҳасининг ёндош қисмларида лойиҳалаш топшириқлари ишлаб чиқилади, расмийлаштирилади, келишилади ва тасдиқланади. Шунингдек серияли ишлаб чиқилмайдиган маҳсулотларни ишлаб чиқиш учун техник талабларни белгилаш ва техник топшириқларни тузиш ишлари ўтказилади.

5.2.6.3 «Кузатиш стратегиясини ишлаб чиқиш» этапида буюртмачи ва ишлаб чиқувчи томонидан ишлаб чиқилмайдиган ва тасдиқланадиган кузатиш стратегияси ишлаб чиқилиши керак. Кузатиш стратегияси АТни кузатиш этапида бажариладиган ишлар турларининг, ушбу ишларни бажарувчиларнинг рўйхатини ва қўшимча кузатиш шартларини белгилаши керак.

### **5.2.7 «Ишчи лойиҳа» босқичи**

5.2.7.1 «АТ ва унинг қисмларини ишлаб чиқиш» этапида АТ дастурлари ва дастурий воситаларини ишлаб чиқиш, танлаш, мослаштириш ва (ёки) чет дастурий воситаларига боғлаш ўтказилади.

АТни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш чора-тадбирлари режасига мувофиқ, ҳар бир итерацияда ишлаб чиқувчи АТ компонентларини амалга оширади ва буюртмачи билан биргаликда компонентларнинг мувофиқлигини текширади ва ушбу итерация учун белгиланган фойдаланиш сценарийларини амалга оширади. Агар тақдим этилган

натижа чора-тадбирлар режасига мос келса, АТни ишлаб чиқиш жараёни кейинги итерацияга ўтади. Агар талаблар бажарилмаса, ишлаб чикувчилар ўз қарорларини қайта кўриб чиқишлари ва керакли ўзгаришларни киритишлари керак.

Зарур бўлганда, АТни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш режасига тузатишлар киритишга йўл қўйилади.

Барча киритилаётган тузатишлар этап бўйича ишларни бажариш давомида иштирок этаётган томонлар ўртасида келишилиши керак.

5.2.7.2 «Дастурий ва эксплуатация ҳужжатларини ишлаб чиқиш» этапида O‘z DSt 1985 талабларига мувофиқ дастурий ҳужжатлар комплекти ишлаб чиқилади.

5.2.7.3 «Қурилиш-монтаж ишлари» этапида қуйидаги ўтказилади:

- 1) АТ техник воситалари ва ходимларини жойлаштириш учун махсус бинолар (хоналар)ни қуриш ишларини бажариш;
- 2) кабель каналларини қуриш;
- 3) техник воситалар ва алоқа линияларини монтаж қилиш ишларини бажариш; монтаж қилинган техник воситаларни синаш;
- 4) ишга тушириш-созлаш ишларини ўтказиш учун техник воситаларни топшириш.

5.2.7.4 «АТ дастлабки синовлари» этапида қуйидагилар амалга оширилади:

- 1) дастлабки синовлар дастури ва методикасини ишлаб чиқиш ҳамда келишиш;
- 2) дастлабки синовлар дастури ва методикасига мувофиқ АТни ишлаш қобилияти синаш ва техник топшириққа мувофиқлиги;
- 3) синовлар протоколини расмийлаштириш;
- 4) носозликларни бартараф этиш ва синовлар протоколига мувофиқ АТ ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш.

## **5.2.8 «АТни ишга тушириш» босқичи**

5.2.8.1 «Ахборотлаштириш объектини АТни синов эксплуатациясига киритишга тайёрлаш» босқичида ташкилий ишлар ўтказилади, улар қуйидагилардан иборат:

- 1) ташкилий структура бўйича лойиҳа қарорларини амалга ошириш;
- 2) ахборотлаштириш объектининг бўлинмаларини йўриқнома-услубий материаллар билан таъминлаш;
- 3) ахборот таснифлагичларини жорий қилиш.

5.2.8.2 «Ходимларни тайёрлаш» этапида ходимлар ўқитилади ва уларнинг АТ ишлашини таъминлаш қобилиятларини текширилади. Шу мақсадда ўқув материаллари тайёрланади ва ўқитиш режалари амалга оширилади.

5.2.8.3 «Ишга тушириш-созлаш ишлари» этапида техник ва дастурий воситалар автоном соланади, маълумотлар базасига ахборот юкланади ва унинг юритилиши, АТ барча воситалари комплекс соланади.

5.2.8.4 «АТни синов эксплуатациясидан ўтказиш» этапида куйидагилар ўтказилади:

- 1) синов эксплуатацияси дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- 2) АТ синов эксплуатацияси;
- 3) синов эксплуатацияси натижалари бўйича фикр-мулоҳазаларни йиғиш;
- 4) АТ синов эксплуатацияси натижаларини таҳлил қилиш;
- 5) олинган фикр-мулоҳазалар бўйича АТ дастурий таъминотини ва/ёки эксплуатация қилиш ҳужжатларини тўлдириш (зарур бўлганда);
- 6) АТ техник воситаларини қўшимча солаш (зарур бўлганда);
- 7) синов эксплуатацияси тугаганлиги тўғрисидаги далолатномани расмийлаштириш.

5.2.8.5 «Қабул қилиш чора-тадбирларини ўтказиш» этапида куйидагилар ўтказилади:

- 1) қабул қилиш синовлари дастури ва методикасини ишлаб чиқиш;
- 2) қабул қилиш синовларининг дастури ва методикасига кўра техник топшириққа мувофиқлигини синаш;
- 3) тест синовларининг баённомасини расмийлаштириш;
- 4) АТни синаш натижаларини таҳлил қилиш ва синовларда аниқланган ҳамда тест синовлари баённомасида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш;
- 5) ишлаб чиқилган АТни сертификатлаштириш ёки давлат стандартлари талабларига мувофиқлигини экспертиза қилиш. Сертификатлаш ёки ишлаб чиқилган АТнинг экспертизаси ихтиёрий иш тури бўлиб, мижознинг талабига биноан амалга оширилади;
- 6) АТни доимий эксплуатацияга қабул қилиш далолатномасини расмийлаштириш.

### **5.2.9 «АТни кузатиш»**

5.2.9.1 «Кафолат муддатларига мувофиқ ишларни бажариш» этапида белгиланган кафолат муддатлари давомида АТни эксплуатация қилишда аниқланган камчиликларни бартараф этиш, АТ ҳужжатларига керакли ўзгартиришларни киритиш ишлари амалга оширилади.

5.2.9.2 «Кафолат муддатидан кейин хизмат кўрсатиш» этапида куйидаги ишлар амалга оширилади:

- 1) хизмат кўрсатиш шартномасини тузиш;
- 2) АТ ишлашини таҳлил қилиш;
- 3) АТ ҳақиқий эксплуатация қилиш характеристикаларининг лойиҳа қийматларидан оғиши мавжудлигини аниқлаш;

- 4) бу оғишлар сабабларини аниқлаш;
- 5) аниқланган камчиликларни бартараф эттиш ва АТ эксплуатация характеристикаларининг барқарорлигини таъминлаш;
- 6) АТ учун эксплуатация қилиш ва дастурий ҳужжатларига керакли ўзгартиришларни киритиш;
- 7) бажарилган ишлар далолатномасини расмийлаштириш.

### **Библиография**

[1] Давлат органларининг ахборот тизимларини яратиш тўғрисидаги низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 22 ноябрдаги 256-сон қарорига 2-илова)

[2] Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисида низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 7 июндаги 110-сон қарорига 1-илова)



УЎТ 002:389.6

СУТ 35.080

П87

Асосий сўзлар: ахборот тизимлари, яратиш босқичлари, дастурий воситалар, ҳужжатлар

---